
ЯПОНИЯЛИК ИНВЕСТИТОРЛАР ЭКОШАҲАР ҲУДУДИДА МЕҲМОНХОНА-РЕЗИДЕНЦИЯ ВА САВДО-ТУРИЗМ МАЖМУАСИ БАРПО ЭТИШГА КИРИШМОҚДАЛАР

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров катта таркибдаги япониялик ишбилармонлар делегациясини қабул қилди.

Учрашувда вилоят ҳокимига “Mikado develop and investment” компанияси томонидан Фарғонада қад ростлаётган Экошаҳар ҳудудида меҳмонхона-резиденция ва савдо-туризм мажмуаси барпо этиш лойиҳаси тақдим этилди.

Лойиҳага кўра, мажмуа 4 қаватли япон саройлари меъморчилигидаги люкс меҳмонхона, 60 блокдан иборат ҳар бирининг майдони 50 метр квадрат бўлган савдо дўконлари ҳамда уларнинг уст қаватида 60 та апартаментлар, япон боғи, бассейн, сауна, спа-салони, конференциялар залидан иборат бўлади.

Японияликлар шунингдек, Фарғона шаҳрида меҳмонхона ва ресторан хизмати соҳаси ходимлари тайёрлаш маркази ташкил этиш ҳамда таълим жараёнига Япониядан малакали мутахассисларни жалб этишни режалаштирмоқдалар.

Япон инвесторлари ҳозирда Ўзбекистонда ўз ваколатхоналарини ташкил этишди, яқин кунларда лойиҳани амалга оширишга киришишлари маълум қилинди.

Учрашувда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Иқболжон Эргашев ва Хожикўзижон Исақов ҳам иштирок этишди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-04-19 09:30:43